



Мавзу: Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий ўзгаришлар

1. Мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш.

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.

3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

Мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият.

XX асрда 70 йилдан кўпроқ вақт ҳукмрон бўлган, дунё харитасида “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи” деган ном билан катта ҳудудни эгаллаган, сохта коммунистик мафкурага, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги тўғри бўлмаган, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 1980-йилларнинг охирига келиб барча иттифоқдош республикалар қаторида Ўзбекистон аҳолисининг ҳам яшаш шароитларини оғирлаштириб, уни кўплаб муаммолар исканжасига солиб қўйди.



Бу муаммоларнинг барчаси 1980-йилларнинг охири, 1990-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди. Хусусан:

- республикада демографик вазиятнинг мураккаблашди. Статистик маълумотлар таҳлили аҳоли рўйхатга олинган давр оралиғида, яъни 1979-1989 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 15379,4 минг кишидан 19810,0 минг кишига ёки 28,8 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 фоизни ташкил қилган. 1991 йилга келиб мамлакатда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386,0 минг кишига ўсган. Бу эса Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари Иттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юқори бўлганини кўрсатади. Бироқ, аҳолининг бундай ўсиши узок йиллар давомида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Бу эса одамлар турмуш шароитининг оғирлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди;



- республика иқтисодиётининг бирёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хомашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улуши жуда паст эди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хомашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилган бир вақтда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот четдан олиб келинган. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш имконини берувчи электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзғор техникаси ишлаб чиқариш каби ва бошқа кўпгина илғор тармоқлар қониқарли ривожлантирилмаган. Аксинча, республикада сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқаришлар асоссиз равишда ривожлантирилди;

- ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало саноат объектлари асосан стихияли равишда, аниқроғи, буйруқбозлик билан қабул қилинган қарорлар асосида, кўпинча илм-фан вакиллари, билимли ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мутлақо эътиборга олинмай жойлаштирилган. Бу эса республика иқтисодиёти ҳамда аҳоли пунктларининг экологиясига салбий таъсир ўтказиб, аҳолининг ҳаёт таъминотиغا, одамларнинг яшаши ва уйғун камол топиши учун зарур шароитларни яратиш имконини бермаган;




- республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоизни, ичимлик сув билан таъминланиши салкам 50 фоизни, табиий газ билан таъминланиши 17 фоизни ташкил этар эди. Аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат объектлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади. Ваҳоланки, аҳолининг кўпчилиги қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасининг кескин пасайишига олиб келди.

Республикада шаклланган вазият иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ижтимоий соҳадаги зиддиятларни юмшатиш ва энг асосийси – ижтимоий можароларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўришни талаб қиларди. Бевосита Ислом Каримов раҳбарлигида республикада тартибсизликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тартиботни сақлаб қолиш ҳамда аҳолининг энг асосий ва ҳал этилишини кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган превентив чоралар кўрилди.

Жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан, тарихий тараққиётимиздан олинган жамийки фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда Ўзбекистон бозор иқтисодиётини куришда ўзига хос йўлдан бориб, ижтимоий соҳага кучли эътибор қаратди. Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилди.



❖ Ўзбекистонинг ўз янгиликларини ва таракқиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсат қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

❖ **Биринчи босқич** - 1991-1994 йилларни ўз ичига олган бўлиб, унда собиқ тузумдан мерос бўлган ижтимоий тизим бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилиб, дастлабки йиллардаги ижтимоий соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни юмшатишга, уларни ҳал этишга қодир бўлган мутлақо янги ижтимоий тизимга асос солинди. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани сари ижтимоий тизим ҳам такомиллашиб борди ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган харажатлар ва ўз муддатини ўтаб бўлган ижтимоий ҳимоя чоралари мувофиқлаштирилиб ёки бартараф қилиб борилди.

❖ Бундан асосий мақсад, нархларни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадлари ва биринчи навбатда энг керакли истеъмол маҳсулотларини истеъмол қилишнинг пасайиб кетишининг олдини олиш эди.



❖ **Иккинчи босқич** - 1995 йилдан бошланди. Бунда оммавий ижтимоий ҳимоя тизимидан бутунлай ўзгача, мақсадли ва адресли характерга эга бўлган ҳимоя тизимига ўтиш амалга оширила борди. Бу даврда иқтисодий ўсиш бошланиши билан аҳолининг янги эркин бозор иқтисодиётига кўникма хосил қилиши ва унда бевосита иштирок этиши кузатилди. Шунинг учун аҳолининг яшаш даражаси, унинг учун шарт-шароитлар яратилиши ва барқарорлашиши бу даврнинг ўзига хос хусусиятларига айланиб борди.

❖ Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврдан республика ҳукумати ва Президенти томонидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат пенсия таъминоти, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳақида ва бошқа шу каби республика Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва Президент Фармонлари қабул қилинди. Масалан, Республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақаларни ошириш тўғрисида, кўп фарзандли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги бир қатор Фармонлари қабул қилинди.

❖ **3-босқич 2017 йилдан бошланди.**



2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишлари

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш;

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш



❖ Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий инфратузилма, арзон уй-жойлар, иш жойларидаги меҳнат шароитлари, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчи ҳамкорлиги борасида аниқ тасаввурга эга бўлиши учун иштирокчиларнинг бевосита жойларга сафар уюштириши ҳам кўзда тутилган. Аҳолининг реал даромади ва бандлигини изчил амалга ошириш орқали фаол ижтимоий ҳимоя, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиғини муҳофаза қилиш йўналишидаги давлат тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли яшаш шароитлари яхшиланишини таъминловчи арзон уй-жойлар қурилиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни рўёбга чиқариш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш истиқболлари ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш



Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги

Қорақалпоғистон Республикаси
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги,
вилоятлар Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш
бош бошқармалари

Туманлар (шаҳарлар) Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари

Маъмурий бинолардан фойдаланиш
бошқармаси

Электрон кооперация портали маркази

«Лойиҳалар ва импорт контрактларини
комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК


Тадбиркорликни ривожлантириш
агентлиги

Тадбиркорлик фаолиятини
қўллаб-қувватлаш давлат
жамғармаси

Прогнозлаштириш ва
макроиқтисодий тадқиқотлар
институти

Тармоқ бозорлари ва ишлаб
чиқаришда меҳнат унумдорлиги
тадқиқотлари маркази

Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби



“Энг олис ҳудудларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етарлича тушунча ва билим беришимиз керак. Тадбиркорларга имконият ва шароит яратиб берсак, улар ўзларини ҳам, аҳолини ҳам иш билан таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев.



4.1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш бўйича.

“Халқни тадбиркор қилиш” шиори остида тижорат банкларитомонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аёлларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида **2,5 трлн.сўм** кредитлар ажратилди.



Хотин-қизлар бандлиги

Хотин-қизлар кўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли” танловининг маҳаллалараро ва туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш низоми ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг июнь ойида ҳар бир маҳаллада танлов ўтказилиб, биттадан энг яхши деб топилган бизнес лойиҳа танлаб олинади. Туман (шаҳар) босқичи июль-август ойида ўтказилиши белгиланган.

“Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси-2017 йил” танловини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор 2017 йил 20 март куни имзоланди. Танловнинг низоми, ташкилий ишчи гуруҳ аъзолари шакллантирилди.



Қўрғонтепа, Олот, Деҳқонобод, Косон, Нурота, Қўшқўпир, Узун туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари бўйича курслари ташкил этилди. Ушбу курсларда 300 нафарга яқин аёл ўқитилди.

Меҳнат вазирлиги томонидан аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич оширишга йўналтирилган 3 та қонун лойиҳаси ва 5 та Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда(Давлат дастурининг 210-банди).



4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

Мазкур бўлимда 2017 йилда амалга оширилиши назарда тутилган мақсадлар учун ҳисобот даврида 37,0 млрд. сўм (5%) ва 9,2 млн. АҚШ доллари (9%) йўналтирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 9 766 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари сайловлари ўтказилмоқда. Бугунги кунгача 1 371 та маҳаллада фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари сайланган. Сайлов жараёнлари давом этмоқда.





Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Тиббиёт ходимлари уйма-уйюриб, касалликларни профилактика қилиши, соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданиятини, маънавиятини, масъулиятини ошириш, ишга ва беморларга муносабатини ўзгартириш зарур.

Шавкат Мирзиёев



4.3. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз аҳолисининг яшаш шароитларини янада яхшилашда янги босқични бошлаб берди.



Узоқ йўллар яқин бўлди

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида, дастурга мувофиқ Бухоро вилоятида 2 та, Жиззах вилояти 1 та, Навоий вилоятида 4 та, Сурхондарё вилоятида 1 та, Сирдарё вилояти 3 та, Тошкент вилоятида 1 та Хоразм вилоятида 2 та, жами 14 та янги йўналиш очилди.

Дастур доирасида 2017 йилда 537 та автобус сотиб олинishi режалаштирилган. Шундан 116 та “Исузу” русумли автобуси харид қилинди ва йўналишларда хизмат кўрсатмоқда. Жумладан: Жиззах вилоятида – 26 та, Наманган вилоятида – 12 та, Хоразм вилоятида – 8 та, Фарғона вилоятида – 13 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 10 та, Самарқанд вилоятида – 2 та, Бухоро вилоятида – 43 та, Сирдарё вилоятида – 2 та.

2017 йилда 7 та янги автостанция қурилиши ва 10 та мавжуд автостанцияни реконструкция қилиш режалаштирилган. Янги қурилиши режалаштирилган:

7 та автостанция бўйича (Навоий 2 та, Сурхондарё 2 та, Хоразм 2 та, Самарқанд 1 та) ер майдонларини ажратиш бўйича туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилинди.



4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом”ни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ўқитиш тизимини янги босқичга кўтаришга имкон яратади.

Ушбу қарорларга кўра, умумий ўрта таълим тизимига қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг турлари белгиланди. Даволаш-профилактика масканларида стационар шароитда узок вақт даволанишга муҳтож болаларга бевосита муассасанинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ташкил этилади.



Олис аҳоли пунктларида яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг сифатли умумий ўрта таълим олишини таъминлаш мақсадида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим масканларининг филиаллари ташкил этилиб, уларда ўқувчилар сони 100 нафаргача бўлади. Бошқа умумтаълим масканларига яқинлиги ҳамда моддий-техник базасидан келиб чиқиб, ўқувчилар сони 180 нафаргача бўлган умумтаълим муассасалари ҳам филиалларга айлантирилиши мумкин. Тегишли майдонга эга бўлган мактаблар синфларида ўқувчилар таркиби 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмайди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилади.



4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Дастурнинг ушбу бўлимида ёшлар учун:

ёшларнинг бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш учун етук ва масъул мутахассисларнинг сайёр қабулларини ташкил қилиб, зарур ёрдамлар кўрсатиш.

Ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, Миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш, мобиль интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиладиган миллий ўйинларни ташкил этиш,



ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни ташкил қилиш.

диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб берилди.

“жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”.





Министрство Финансов
Республики Узбекистан

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими

Тошкент 2020



Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашнинг амалга ошириш Механизми

1 Мурожаат қилиш



хар ойининг 15-кунигача

Фуқаролар яшаш жойи бўйича маҳаллага аризани тақдим этади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- паспорт нусхаси;
- никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Маҳалла томонидан икки иш кунини мобайнида ариза берувчининг маълумотлари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилсади.

2 Дастурга киритиш

Пенсия жамғармаси ходими томонидан

2 иш кун мобайнида аризаларни дастурга киритади



Фуқаро тўғрисида дастурга киритиладиган маълумотлар

1. Паспорт маълумотлар
2. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома
3. Фарзандларни бола туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома
4. Яшаш жойи
5. Оила таркиби тўғрисида маълумотлар
6. Оиланинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар



Uzbekistan Republic
Mabiy center

3 Оила даромадлари ва мол-мулкни ўрганиш

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ томонидан маълумотлар айирбошлаш йули билан аниқланади

4. Молни қазиртилиш 6. Ўзлаштириш ва қайтартириш

3. Давлат солиқ қўшимчаси

2. Пенсия жамғармаси

1. Давлат ташкилотлари агентлиги (ФХДЎ)



«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ

5. ИИБ

6. Банкнинг ва ақдот муносибатлари назорати

7. Давлат персоналлаштириш маркази

8. АТ "Халқ банди"



“Тараққиёт стратегияси”да ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

❖ 4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

- Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;
- Бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;
- Янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;
- Меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.



❖ 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

- Аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;
- Аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;
- Оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;



❖ Банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қўвватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан мазкур ҳужжат асосида бугунги кунга қадар 1 минг 451 лойиҳа ижросига 32,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, банк томонидан яна 89 лойиҳага 4,5 миллиард сўм миқдорида маблағ берилиши маъқулланган.



- ❖ Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси 8 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, у 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга тақдим қилинади.
- ❖ Имтиёзли кредитлар фақат хотин-қизларга ва улар ташкил қилган юридик шахсларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантиришга йўналтирилади. Бунда ресурснинг 50 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган хотин-қизлар бизнеси учун берилиши янада эътиборга молик.



❖ **Аёллар дафтари** – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.



- 1. ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар** — бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- 2. тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар** — бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- 3. боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар** — боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) эҳтиёжманд хотин-қизлар, шунингдек, никоҳи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар (ФХДЁ органларининг маълумотномаси асосида);
- 4. ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** — меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;




- 1. уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** — нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- 2. қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар** — ногиронлиги бўлган вояга етмаган (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъий назар) фарзандини бевосита парваришлайётган эҳтиёжманд хотин-қизлар.



❖ Кредитлар «Аёллар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунда кредитлар **33 миллион** сўмгача миқдорда **ҳокимлар ёрдамчиларининг** тавсиялари асосида ажратилади.





газета.uz

2021/2022-ўқув йилида
хотин-қизларга 2000 нафар
қўшимча давлат грантини
ажратиш таклиф этиляпти

- ❖ “2022 йилнинг **9 июнь** куни Вазирлар Маҳкамасининг (322-сонли) Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларга олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тавсияномалар бериш ва уларни қабул қилиш тартиби белгиланган.
- ❖ Қарорда кўрсатилганидек, коллеж ёки техникумларни маълум мутахассислик бўйича тамомлаган ва мазкур мутахассисликка мос соҳада камида 5 йил иш стажига эга бўлган хотин-қизлар олий таълим муассасаларига киришда имтиёзларга эга бўлади.
- ❖ Бу имтиёзлар, яъни ҳар йили давлат томонидан мазкур тоифадаги хотин-қизлар учун **500 та квота** ажратилади. Давлат комиссияси мазкур тақсимланган имтиёзли квотани тасдиқлаб беради. Агар хотин-қизларимизда мазкур имтиёздан фойдаланиш истаги бўлса Оила ва хотин-қизлар қўмитасига мурожаат қилишлари керак.




- Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;
- Пенсиялар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.



❖ 4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

- Аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;
- Аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;
- Одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;



Арзон уй-жойлар қуришни мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди

- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг 12та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда **Арзон уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси** таъсис этилди.
- ❖ Унинг асосий вазифалари:
- ❖ мақсадли дастурлар ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингида иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;
- ❖ мақсадли дастурларни амалга ошириш тадбирларини молиялаштиришни таъминлаш, ипотека кредити бозорини ривожлантиришга ХМИ ва ХХМТ маблағларини жалб этишда иштирок этиш;
- ❖ молиявий институтлар билан ҳамкорликда қимматли қоғозларни ва молиявий воситаларни тартибга солиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бошқалар





KUNUZ



- Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;
- Йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;
- Янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- Театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.





UZBEKISTAN

VP-BUF

35





TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGI









❖ **Сўнги 2016-2020
йилларда Ўзбекистонда
ижтимоий соҳага 22
миллиард АҚШ доллари
ажратилган**



❖ Ўзбекистонда 2022 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар жами фаолият юритаётган корхона ҳамда ташкилотларнинг 2 фоиз улушини (565 982 та) ташкил этган. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси хабар берди.



❖ Ииллар кесимида соғлиқни сақлаш ва ижтимоии соҳадаги корхоналар сони:

- 2018 йилда – 6 426 та;
- 2019 йилда – 7 467 та;
- 2020 йилда – 8 554 та;
- 2021 йилда – 9 959 та;
- 2022 йилда – 11 144 та.

❖ Аввалроқ Ўзбекистонда инновацион инфратузилма субъектлари сони 3 бараварга оширилиши тўғрисида хабар берилганди. Шунингдек, Ўзбекистонда хусусий тиббиёт муассасаларига солиқ имтиёзлари жорий қилинганди.



2022–2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари

Белгиланган йилларда республикадаги жами 2 043 қишлоқ ва маҳаллаларда (жумладан, 2022 йилда 413 тасида) қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Дастурлар доирасида белгиланган йилларда жами 4057 та ижтимоий соҳа объектларини, жумладан, 2022 йилда: 143 та боғча, 265 та мактаб, 137 та соғлиқни сақлаш муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек, 27 722,5 километр ички йўллар, 18 574,8 километр ичимлик сув тизимлари яхшиланади. Жами 5962 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, бозорлар (жумладан, 2022 йилда 253 та маҳалла биноси ва гузар, 894 та бозор) қурилади ҳамда таъмирланади. 78 та янги автобус йўналишлари (2022 йилда 16 та) ташкил этилади.

Ички йўлларни таъмирлаш учун 2 триллион сўм, ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 1 триллион сўм, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни қуриш (таъмирлаш) ва ободонлаштиришга 1,4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Қарорга кўра, 2023 йилдан қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларининг ҳақиқий ҳолати тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланиб борилади.



2021 йил «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА”

ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА 2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

2 721 та маҳаллада

10 000 км
ортиқ



ички йўллар
таъмирдан
чиқарилади

4 000 км
ортиқ



ички ичимлик
тармоғи
тортилади

Бу ишлар учун

3 трлн
сўм

маблағ
ажратилади

❖ 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

- Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;
- Таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;
- Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;
- Умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;



- Болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни муסיқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар муסיқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;
- Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;
- Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;
- Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.



❖ 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш:

- Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;
- Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;
- Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш;
- Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.




- ❖ Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
- ❖ Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.



- ❖ «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига биринчи ўқув йили учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;
- ❖ «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади;
- ❖ ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ипотека дастури доирасида бошланғич бадал ва фоиз тўловлари бўйича қўшимча 2 мингта ёш оилага уй-жой сотиб олиши учун субсидия ажратилади.




- ❖ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида Ёшлар бизнес мактаби, 2022 йилдан бошлаб барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилди. Бундан асосий мақсад ва вазифа:
- ❖ мамлакатимиз ва чет элнинг етакчи тадбиркор ва бизнес юритувчиларини жалб этган ҳолда, ёшларга тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш ва бизнес юритишда хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларини ўргатиш;
- ❖ тадбиркорликка қизиққан ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларда замонавий бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, мотивацион бизнес-семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.
- ❖ 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ёшларнинг «Бизнесга биринчи қадам» стартап ғоялари танловлари ташкил этилмоқда ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда камида уч нафардан ғолибга грантлар бериш амалиёти жорий этилди.
- ❖ Энг яхши лойиҳаларнинг ҳар бири учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача грант маблағлари берилади ва улар 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорида қўшимча ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.



❖ **«Темир дафтар»** – ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.



- кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оилалар;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги **бўлган** аъзолари мавжуд оилалар;
- кам таъминланган **якка-ёлғизлар** ва кексалар;
- боқувчисини йўқотган **эҳтиёжманд оилалар**;
- **кўп** (4 ва ундан ортиқ) **фарзандли** моддий кўмакка муҳтож оилалар;
- меҳнатга лаёқатли **ишсиз аъзолари** мавжуд эҳтиёжманд оилалар;
- **тиббий ёрдамга** муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);
- нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг **номида турар жой бўлмаган** эҳтиёжманд оилалар.



- «Темир дафтар»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган оилаларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.
- Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан «Темир дафтар»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.



E'tiboringiz uchun rahmat!

